

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.31.01.2019.Tar.60.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАЛТАБАЕВА МАНЗУРАХОН МИРЗАЖАНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ КИЧИК
БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ
ИШТИРОКИ (1991-2019 йиллар)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Балтабаева Манзурахон Мирзажановна

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироки (1991-2019 йиллар) 3

Балтабаева Манзурахон Мирзажановна

Участие женщин в развитии малого бизнеса и предпринимательства в Республике Узбекистан (1991-2019 гг.) 25

BaltabayevaManzurakhon Mirzajanovna

The participation of women in the development of small business in the Republic of Uzbekistan(1991-2019 ys)47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.31.01.2019.Tar.60.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАЛТАБАЕВА МАНЗУРАХОН МИРЗАЖАНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ КИЧИК
БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ
ИШТИРОКИ (1991-2019 йиллар)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида B2017.2.PhD/Таг90 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://adu.uz>) ҳамда “Ziyonet” ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бобожонова Дилором Бобожоновна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Султонова Эътибор Сиддиқовна
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расулов Абдулла Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация химояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.31.01.2019.Таг.60.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129-уй. Андижон давлат университетининг тарих факультети биноси, 1 - қават, 108 - хона.) Тел.: (99874)225-73-21; факс: (99874)225-73-21; e-mail: adu.uz Андижон давлат университети).

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. АРМ. биноси). Тел.: (99874)223-88-30, факс: (99874)223-88-30.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси)

Р. Т. Шамсутдинов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,
профессор

М. Ғ. Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

У. С. Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон давлатлари тараққиётида бозор иқтисодиёти муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кичик бизнес ва тадбиркорлик интеграциялашуви бу жараёнда энг муҳим ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Энг ривожланган мамлакатлар, жумладан, Германиянинг қисқа вақт ичида Европа иқтисодиётининг устунларидан бирига айланиши, Япониянинг дунёга машҳур “япон мўъжизаси” сифатида ном қозониши, АҚШнинг бугунги юксак тараққиёти ҳамда Европа Иттифоқи таркибидаги қатор давлатларнинг иқтисодий юксалишида йирик концерн ва компаниялар эмас, айнан кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳал қилувчи роль ўйнади.

Дунё мамлакатларида кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг ўзига хос жиҳатлари, жумладан, капитал маблағ сарфини кам талаб қилиши, бозор иқтисодиётининг ўзгарувчан талабларига тез мослашиши, ички бозорни сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириши, аҳолига турли хизматлар кўрсатиш, экспорт салоҳиятини ўстириш, аҳолининг, айниқса, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашдаги ҳиссаси, шу билан бирга хотин-қизларнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожига алоҳида ўрни масалалари илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилмоқда. Ҳозирги кунда хотин-қизларнинг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироқи, уларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, бу жараёнда учрайдиган муаммолар сабабларини ўрганиш юзасидан кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб бориш тақозо этилмоқда.

Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш, улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш”¹ га алоҳида аҳамият қаратилган. Шу боис, Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларни кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг жалб этиш, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва бу борада эришилган натижаларни таҳлил этган ҳолда, мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 январдаги ПҚ-2746-сон “Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 10 февралдаги ПФ-2767-сон “Кичик тадбиркорликни ривожлантириш Кафолат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони: Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида //Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

2996-сон “Касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сон “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунгача ижтимоий фанларнинг турли соҳаларида мамлакат хотин-қизларининг ижтимоий ҳаётдаги иштироки ва фаолиятлари билан боғлиқ қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган, улар хотин-қизлар масалаларини ўрганиш, мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш ва уларни ҳал қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишда муҳимдир. Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар акс этган адабиётларни тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этишда икки гуруҳга: мустақиллик йилларидаги адабиётлар ҳамда хорижлик муаллифлар асарларига ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Собиқ иттифоқнинг барбод бўлиши натижасида барча фанлар доирасида олиб бориладиган илмий тадқиқотлар коммунистик мафкура таъсиридан бутунлай халос бўлди. Бу ўз навбатида тарихий воқеликларни ёритишда янгича ёндашув ва қарашларга кенг йўл очиб берди, айниқса, хотин-қизларга бўлган муносабатдаги тарихий ҳақиқатни тиклаш борасида ижтимоий фанларнинг барча соҳаларида ҳам илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш имконияти туғилди.

Ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган аёллар меҳнатининг халқ хўжалиги турли соҳалари бўйича тақсимланиши, хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш ҳамда ривожлантириш масалалари иқтисод йўналишидаги илмий-тадқиқотларда² акс эттирилган. Шунингдек, тарих йўналишидаги тадқиқотларда аёллар бандлиги, саноат ва қишлоқ хўжалигида қўл меҳнати билан машғул аёллар улушининг юқорилиги, уларни меҳнатга жалб қилиш республикада бир текисда эмаслиги, уларнинг иқтисодий ислохотлардаги иштироки, давлат бошқаруви ва оилада аёллар

² Тўқаева З. Ўзбекистон хотин-қизлари қишлоқ хўжалигида. – Тошкент, 1991 – 22 б.; Ирисова М. Занятность женщин Узбекистана в условиях перехода к рыночным отношениям. Автореф. дисс...канд. экон. наук.– Ташкент, 1995–23 с.; Убайдуллаева Р. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтиш шароитида аёллар ва меҳнат //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент: 1995. – №9. – Б. 24-25.

мавқеи, гендер тенглиги каби муаммолар ҳужжатли материаллар асосида очиб берилган³.

Ўзбекистон хотин-қизларининг жамиятдаги ўрни, ижтимоий-сиёсий фаолликлари, аёлларнинг гендер ва репродуктив ҳуқуқларининг миллий ва халқаро жиҳатлари ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий куч сифатида шаклланиш жараёнларига бағишланган кўплаб тадқиқот ишлари мавжуд⁴. Шу билан бирга, аёллар меҳнатининг рақобатбардошлиги ва уларнинг бандлигини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятларининг алоҳида ўрни таҳлил этилган тадқиқотлар ҳам аҳамиятли⁵.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мақомини ошириш ва уларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган тадқиқотларда хотин-қизларнинг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги фаолияти тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил этилмаган, фақат мазкур муаммонинг айрим жиҳатларига бағишланган мақолалар чоп этилган⁶.

Ўзбекистон хотин-қизларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни илк бор сиёсий нуқтаи назардан ўрганилган тадқиқотда аёлларнинг иқтисодий фаолликлари уларнинг жамият сиёсий ҳаётида ҳам фаоллашувига ижобий таъсир этишига аҳамият қаратилган⁷. Унда Ўзбекистонда хотин-қизларга оид стратегик вазифалар, мамлакатни демократлаштириш жараёнида хотин-қизлар сиёсий фаоллигини оширишнинг ҳуқуқий кафолатлари, аёлларда сиёсий лидерлик хусусиятлари, давлат томонидан яратилган имкониятлар аёллар ижтимоий фаоллигининг ошиши, уларнинг оила ва жамиятда муносиб ўринга эга бўлишида долзарб аҳамият касб этаётгани, мазкур масалаларда улар олдида турган муаммоларнинг ечими юзасидан назарий-амалий хулосалар берилган.

Гарчи тадқиқотларда иқтисодиётнинг реал сектори, яъни кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳамда касаначиликдаги хотин-қизлар фаолиятига эътибор қаратилган бўлса-да, бугунги кунгача уларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштироки тўлақонли очиб берилган илмий таҳлиллар мавжуд

³ Бобожонова Д. Аҳолини иш билан таъминлаш ва миллий ишчи кадрлар тайёрлаш. – Тошкент: Абу Райҳон Беруний номидаги ТДТУ, 1995.– 37 б.; Ўша муаллиф. Миллат ғурурига айланган аёл //Фан ва турмуш. – Тошкент: 1996. – № 1. – Б. 14; Алимова Д. Ўзбекистон ижтимоий фанларида хотин-қизлар муаммоларининг ўрганилиши ва вазифалари //Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 16-20; Рашидова С. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг аҳолини яхшилаш муаммолари //Ўзбекистонда “Гендер ва ривожланиш” хабарномаси, 1999.– № 2. – Б. 17-23.

⁴ Мусурмонова О. Аёлларга давлат ғамхўрлиги. Аёлга эҳтиром – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 320 б.; Сафаева С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлари. Фан. фан. номз. дисс... –Тошкент, 2002.– 186 б.; Маткаримова Г. Гендерные и репродуктивные права женщин в международном и национальном праве. Автореф. дисс. доктора юрид.наук. – Ташкент, 2002. – 41 с.

⁵ Рахимова Н. Конкурентоспособность женской рабочей силы //Бозор, пул, кредит. –Тошкент, 2002. – №2. – С. 84-86; Гонорская А. Аёллар нодавлат нотижорат ташкилотлари хотин-қизлар бандлигини шакллантириш манбаи сифатида //Ўзбекистон хотин-қизларининг ўтиш даври таракқиёти ва ижтимоий ислохотлардаги иштироки. – Тошкент: Ахборот Ресурс Маркази, 2002. – Б. 53-56.

⁶ Муравьёва Н. Ўзбекистон хотин-қизлари ижтимоий мақомини юксалтириш. – Тошкент, 2004. – 121 б.; Холматова М. Аёлларнинг нодавлат ташкилотлари: муаммо ва ечимлар //Фуқаролик жамияти. – Тошкент: 2004. №1. – Б. 15.

⁷ Султонова Э. Аёл давлатнинг ривожланиш стратегиясида (Глобал муаммо сифатида). – Тошкент: ЖИДУ, 2005.– 250 б.

эмас, шунингдек, мазкур муаммо комплекс тарзда тарихий аспектда илмий тадқиқ этилмаган.

Хорижий давлатларда яратилган адабиётларда бугунги кунда дунё аёлларининг тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятлари ва муаммолари ҳақида маълумотлар берилган. Жумладан, аёллар тадбиркорлиги бўйича америкалик эксперт Одра Шаллал XXI асрда аёллар тадбиркорлиги бутун жаҳон, ҳаттоки Яқин Шарқ ва Африка иқтисодиётининг ўсишида ҳал қилувчи бўғинга айланганлиги, Европа Иттифоқи давлатлари ҳам бу ҳақиқатни тан олганлиги, лекин ўқимишли, ўзларининг бизнес ғояларига эга тадбиркор аёллар кўп сонли бўлишига қарамай, уларнинг тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишлари осон кечмаётганлиги, тадбиркор аёлларнинг кўпи маиший соҳада, яъни уларнинг 65 фоизга яқини гўзаллик ва соғлиқ индустриясида меҳнат қилаётганлиги ҳақидаги маълумотни келтиради⁸.

Аёллар учун яшаш оғир кечаётган Осиё давлатларида ҳам хотин-қизлар тадбиркорлик соҳасида фаол ҳаракат олиб боришга, жамият ҳаётида ўзининг ўрнига эга бўлишга интилаётганлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Жумладан, Гейл Тземах Леммон аёллар заиф жинс эмаслигини, улар бугунги кунда катта-катта корхоналарни бошқараётганлигини ўзининг 2005 йилда *Financial Times* газетасига тайёрлаган мақоласида таъкидлайди. Бу эса, бугунги кунда мусулмон аёлларининг энг қийин шароитларда ҳам жамият ҳаётида тобора фаоллашиб бораётганлигини кўрсатади⁹.

Ўзбекистон хотин-қизларининг ўзбек моделига асосан бозор муносабатларига ўтиш шароитидаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги фаол иштироки россиялик олимлар М.Гафарли ва А.Касаев томонидан ўрганилган. Улар ўз тадқиқотларида ўтиш даврида Ўзбекистонда хотин-қизларга давлат томонидан кўрсатилган ғамхўрликлар ҳамда имтиёзлар уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини таъминлашга хизмат қилаётганлигини эътироф этадилар. Хусусан, аёлларни ижтимоий ҳимоялаш борасида Ўзбекистонда ҳар йили мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар бир корхона ва ишчилар жамоасининг маъмурияти билан касаба уюшмаси кўмитаси ўртасида битимлар ҳамда жамоа шартномалари тузилиши, уларда аёлларга меҳнатни оналик билан қўшиб олиб бориш имконини берувчи шароит яратиш, меҳнат шароитини яхшилаш, қўл меҳнатини енгиллаштириш, аёлларга имтиёзлар бериш тўғрисида қабул қилинган қонунларни бажариш; хомиладор ва ногирон фарзанди бўлган аёлларни, кўп болали оналарни ҳимоялашда қонунларга риоя этиш назарда тутилиши алоҳида таъкидланади. Тадқиқотчилар Ғарбнинг кўпгина давлатларида Шарқ урф-одатлари ҳақидаги анъанавий тасаввурлар натижасида нотўғри

⁸ Одра Шаллал. Мир стереотипов. Что мешает женскому предпринимательству? (Электрон ресурс). Режим входа: <https://www.forbes.ru> >forbes.women (дата обращения 3.10.2019).

⁹ Гейл Тземах Леммон “Женщины предприниматели – не исключение, а реальность”(Электрон ресурс). Режим входа: <https://www.Ideanomics.ru>.(дата обращения 15.01.2018).

хулосалар мавжудлигини баён этиб, хотин-қизлар масаласида Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатга ижобий баҳо берганлар¹⁰.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1991-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларнинг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги ўрни, уларнинг жамиятдаги фаол иштироки ҳамда мазкур соҳага жалб этилишининг аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

1991-2019 йилларда хотин-қизларни иқтисодий жараёнларга жалб этишга қаратилган давлат сиёсатининг ижтимоий аҳамиятини ўрганиш;

кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳаракатининг мамлакат иқтисодий тараққиётидаги ўрни ва уларда хотин-қизлар иштирокини аниқлаш;

тадбиркор хотин-қизларга молиявий кўмак бериш ва хорижий инвестицияларни жалб этишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрнини кўрсатиш;

оилавий тадбиркорлик фаолиятининг янги босқичга кўтарилиши, кичик бизнесни ривожлантиришда микрокредитлаштириш тизимининг аҳамиятини очиб бериш;

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари учун солиқ имтиёзлари, солиққа тортишнинг мураккаб тизимидан соддалаштирилган тизимга ўтиш ва унинг соҳа ривожига таъсирини кўрсатиб бериш;

хотин-қизларнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятларининг ўсиш динамикасини тарихий-социологик сўровномалар асосида исботлаб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироки танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети мамлакат иқтисодий тараққиётида тадбиркор хотин-қизларнинг ўрни, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироки ҳамда уларга молиявий кўмак беришда хорижий инвестицияларнинг жалб этилишини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати моҳияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий-таққослаш, қиёсий-таҳлил, тизимлаштириш, социологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон хотин-қизларининг чеварчилик, каштачилик, гиламдўзлик, зардўзлик каби касаначилик меҳнат шакли асосида бозор иқтисодиёти

¹⁰ Гафарли М., Касаев А. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б.252.

талабларига мос замонавий тадбиркорлик ва эркин рақобат муҳитига трансформациялашув жараёнлари, чекка ҳудудларда саноатни ривожлантириш, тадбиркор, фермер хотин-қизлар илғор тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган кенг қамровли фаолияти, ўсиш суръатлари ва амалий натижалари далилланган;

аҳоли ижтимоий фаол қисми таркибида изланувчан ва ташаббускор тадбиркор хотин-қизлар салмоғининг ошиб бориши, давлат ва нодавлат ташкилотлар, халқаро жамғарма ва грант лойиҳалари кўмагида тадбиркор аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг такомиллашиши, мақсадли молиявий ресурслар ажратиш орқали меҳнат бозорида қулай шароитлар яратиш борасидаги ижтимоий-ҳуқуқий омиллар очиб берилган;

мамлакатда оилавий тадбиркорлик қонуний асосларининг мустаҳкамланиши, “Ҳар бир оила – тадбиркор” давлат дастурининг ижтимоий аҳамияти, хотин-қизлар тадбиркорлигида сулолавий анъаналарнинг тикланиши, жумладан “Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага” лойиҳаси асосида аёллар иқтисодий фаоллигининг ошиши, улар бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб этишдаги муаммолар ва даврий босқичлар, бу жараёндаги давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасидаги боғлиқлик исботланган;

Ўзбекистон миллий тараққиётида янги даврнинг бошланиши (2016-2019 йй.), миллий юксалиш ҳаракатида хотин-қизлар тадбиркорлигининг ривожланиш параметрлари, яратилган қулай инвестиция муҳити ва солиқ имтиёзларининг самарадорлиги, замонавий илм-фан ютуқлари асосида илғор инновацион ғояларнинг тадбиқ этилиши билан боғлиқ прогрессив жараёнлар аҳамияти кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон хотин-қизларини иқтисодий жараёнларга жалб этишга қаратилган давлат сиёсатининг моҳияти, кичик бизнес ва тадбиркорликда хотин-қизлар иштироки, уларга молиявий кўмак бериш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, оилавий тадбиркорлик фаолияти, микрокредитлаштириш, солиқ имтиёзлари ва солиққа тортишга доир илмий хулосалардан Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини ёритишда қўлланилиши мумкин бўлган жиҳатлар аниқланган;

Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини тадқиқ этиш, хотин-қизларнинг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироки муаммосини ўрганишга қаратилган ҳамда ўқув жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган назарий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви, унинг Андижон вилоят бўлими ва Ўзбекистон Миллий архиви ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жорий архивлари жамғармаларида сақланаётган қўплаб ҳужжатларга асосланганлиги, тадқиқот маълумотларининг амалиётга жорий

этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, эришилган натижалар Ўзбекистон хотин-қизларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироки ҳақида кенг маълумотлар бериш, илмий ва назарий билимларни янада чуқурлаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижалари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиши, тарихий ва маданий меросни тадқиқ этишга бағишланган давлат дастурларининг бажарилишида, шунингдек, мустақиллик даври хотин-қизлар тадбиркорлиги тарихига оид янги дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштирокига оид илмий натижалар, хулоса ва амалий таклифлар асосида:

Ўзбекистон хотин-қизларининг чеварчилик, каштачилик, гиламдўзлик, зардўзлик сингари касаначилик меҳнат шаклини бозор иқтисодиёти талабларига ва эркин рақобат муҳитига мослашувига доир таклиф ва тавсиялардан “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида “Хотин-қизларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятлари” сўровнома-дастурини тайёрлашда фойдаланилган (“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2018 йил 8 майдаги 01-16/169-сон маълумотномаси). Таклиф ва тавсиялар жамоатчиликни хотин-қизлар тадбиркорлигига оид имтиёзлар, бу борадаги янги ташаббуслардан хабардор бўлишига имкон яратган;

хотин-қизларнинг оилавий тадбиркорлик фаолиятларини ривожлантириш, хусусан, илғор фермер хотин-қизлар тажрибасини оммалаштириш, қишлоқда саноатни жадал ривожлантириш, чекка ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан ижтимоий-иқтисодий ислохотлар моҳиятини кенг оммага етказиш ишларида фойдаланилган (O’zLiDePнинг 2019 йил 12 июндаги 01-27/1443-сон маълумотномаси). Таклиф ва тавсиялар қишлоқ хотин-қизларининг оилавий тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилган;

аҳоли ижтимоий фаол қисмида изланувчан ва ташаббускор хотин-қизлар салмоғини орттириш, давлат ва нодавлат ташкилотлар, халқаро жамғармалар кўмагида тадбиркор аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган “Ҳарбийларнинг оилаларини тадбиркорликка йўналтириш – иқтисодий муваффақият пойдевори” мавзусидаги республика тадбиркор хотин-қизлар форуми якуний тавсиясида фойдаланилган (Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг 2019 йил 8 августдаги 04/1544-19-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг

қўлланилиши ёшлар, айниқса қизларнинг тадбиркорлик фаолиятларига кўмаклашиш, молиявий қўллаб-қувватлаш, уларда замонавий бозор кўникмаларини шакллантириш борасидаги фаолиятни такомиллаштиришда амалий аҳамиятга эга бўлган;

“Ҳар бир оила – тадбиркор” давлат дастурининг ижтимоий аҳамияти, хотин-қизлар тадбиркорлигида сулолавий анъаналарнинг тикланиши, “Оилавий тадбиркорликдан – мустақкам оилага” лойиҳаси асосида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг жалб этишга қаратилган давлат сиёсатининг амалга оширилишига доир илмий хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган дастурлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 12 июндаги 02-15/1849-сон маълумотномаси). Натижалар хотин-қизларни кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг жалб этишга қаратилган давлат сиёсатининг ижтимоий аҳамиятини оммага етказиш ва дастурларни мазмунан бойитишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 3 та халқаро конференция ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларида 6 та, жумладан, 3 та республика ва 3 та хорижий журналларда, шунингдек, 1 та рисола хорижда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 150 бетни ташкил этади

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнидаги ўрни”** деб номланган биринчи боби 1991-2019 йилларда Ўзбекистон хотин-қизларини иқтисодий жараёнларга жалб этишга қаратилган давлат сиёсатининг аҳамияти, кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳаракатининг мамлакат иқтисодий тараққиётидаги ўрни ҳамда уларда хотин-қизлар иштироки масалаларига бағишланган.

Кишилик жамияти шаклланишининг тарихий тараққиётида бозор иқтисодиёти муҳим ўрин тутди. Бозор иқтисодиётининг узоқ йиллик тарихига назар ташланса, у жамият иқтисодий тараққиётини таъминлаб берувчи, фаровонликни оширувчи прогрессив куч эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бугунги кунга келиб, жамиятда моддий неъматлар ишлаб чиқариш, инсонларнинг ҳаётини эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи муҳим соҳа сифатида тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланди. Бу жараёнда миллий ҳунармандчилик муҳим ўрин тутди. Ҳунар турлари асрлар давомида кенгайиб, янги йўналиш ва мактаблар ҳосил қилган. Маълумотларга кўра, бугунги кунда республикада ҳунармандчиликнинг 34 тури мавжуд¹¹.

Ўзбекистонда чеварчилик, каштачилик, гиламдўзлик, зардўзлик каби ҳунар турлари билан аёллар уйда ўтириб шуғулланишган. Ҳунармандчиликда устоз-шогирд анъаналари мавжуд бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келувчи ўзига хос тартиб-қоида ва меъёрлар, ахлоқий мезонларга амал қилинган¹².

Ҳунарманд хотин-қизларга собиқ иттифоқ даврида арзон ишчи кучи сифатида қаралиб, аёллар меҳнатидан оғир саноатда, пахта яккаҳокимлиги шароитида, қишлоқ хўжалигидаги оғир юмушларда фойдаланилди. Ўзбекистоннинг 90-йиллари бошларида хотин-қизлар ижтимоий ишлаб чиқаришда 7-8 соат меҳнат қилиш билан бирга, оилада уй-рўзғор юмушларини ҳам бажарган, яъни эркак ҳафтасига 41 соат ишласа, ижтимоий банд бўлган аёллар ҳафтасига улардан икки ҳисса ортиқ меҳнат қилган, қишлоқ аёлининг ижтимоий аҳволи эса бундан ҳам оғирроқ бўлган¹³. Собиқ иттифоқ даври сиёсатида хусусий мулкка, тадбиркорлик фаолиятига йўл берилмади, жамиятдаги барча мулклар давлатники, шу билан бирга, умумхалқ мулки, деб эътироф этилди, ҳунарманд аёлларнинг асосий қисми артеллар, бадий буюмлар корхоналари, завод ва фабрикаларга жалб қилинса-да, ўзбек хотин-қизлари табиатидаги тадбиркорлик сифатлари сақланиб қолди, уй ҳунармандчилиги ва тадбиркорлиги тарихан ўтган давр мобайнида ўзбек халқи турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланди. Шу сабабли, мустақиллик йилларида бозор муносабатларининг амал қилиши учун етарли шарт-шароитлар яратишга қаратилган ислохотларнинг асосий мақсади аввало, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан иборат бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир”¹⁴ деб мустаҳкамлаб қўйилди.

¹¹ Ҳунарманчилик фаолияти турлари рўйхати қискарди (Электрон ресурс). Кириш режими: <https://www.uza.uz.<society>hunarmand.> (мурожаат қилинган сана 15.01.2018 йил); www.norvma.uz hunarmand.

¹² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2006. – 11-жилд. – Б. 393.

¹³ ЎзМА, М-69-жамғарма, 1-рўйхат, 88-йиғма жилд, 53-варак.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 53-модда. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017 – Б. 18.

Мустақиллик йилларида аёл аввало, инсон сифатида ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлди, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида “Хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлидирлар¹⁵, деб белгилаб қўйилди. 1992 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан Вазирлар Маҳкамаси олдиға хотин-қизлар аҳволини яхшилаш бўйича Давлат дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди¹⁶. Ўзбекистонда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати натижасида ҳуқуқий меъёрлар босқичма-босқич, тизимли амалга оширилди¹⁷.

1993 йилда ташкил этилган кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма (1995 йилдан Бизнес-фонд)¹⁸ томонидан 62 миллион сўмдан ортиқ кредит ажратилиши¹⁹ натижасида минглаб тадбиркор хотин-қизларга фаолиятларини йўлга қўйиш, кенгайтириш учун имкониятлар яратилди.

1995 йилга келиб, республикада ишлаб чиқариш пасайишини кескин тўхтатишга эришилди ва мамлакатда ижтимоий фаол аҳоли сони 8 млн. 474 минг 600 нафардан иборат бўлгани ҳолда, унда аёллар улуши 3 млн. 623 минг 300 нафарни ташкил этди²⁰. Бу эса ўзига хос ижтимоий-иқтисодий муаммо кўламини сақлаб турарди. Мазкур йил 28 августда Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат дастури тўғрисида”ги, 1996 йил 9 июлда эса “Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қарорларининг қабул қилиниши натижасида, 1996 йил бошларида республикада 32 минг кичик корхона бўлиб, уларда саноат маҳсулотларининг 44 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 97 фоизи ишлаб чиқарилган²¹.

1996 йилнинг биринчи ярмида республика иқтисодиётида жадал ўсиш даври бошланди. Хусусийлаштириш жараёни чуқурлашди ва кенгайди, кичик

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 53-модда. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.7.

¹⁶ ЎЗМА, М-69-жамғарма, 1-рўйхат, 97-йиғма жилд, 20-22-варақлар.

¹⁷ Оила кодекси, Меҳнат кодекси, 1993 йил 3 майда Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги “Оила кодексини амалга ошириш зарур бўлган меъерий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 171-сон қарори, 14 апрелдаги “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги “Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 32-сон, 2002 йил 5 июлдаги “Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сон қарорлари, 2000 йил– “Соғлом авлод йили”да, 2001 йил– “Оналар ва болалар йили”даги Давлат дастурлари, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиға сайловлар тўғрисида”ги Қонунға сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши тўғрисида меъернинг киритилиши шулар жумласидандир.

¹⁸ ЎЗМА, М-67-жамғарма, 1-рўйхат, 1-йиғма жилд, 8-варақ.

¹⁹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.117.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан 2018 йилда тайёрланган махсус маълумот.

²¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 163.

ва хусусий корхоналар сони 19100 тага ортди, бу йўналишда фаолият кўрсатаётган тадбиркор хотин-қизларнинг сони кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелда “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони²² имзоланди. 1999 йилда Ўзбекистондаги кичик корхоналар ўрганилганда, улар фаолиятидаги сусткашлик ҳолатлари аниқланди, тадбиркорлар, ҳунарманд хотин-қизлар ишлаб чиқарган маҳсулотларининг даромадлари пастлиги сабабли уларни сотишда кийинчиликларга учраса-да, мавжуд кийинчиликларга қарамасдан ўз фаолиятини давом эттириш иштиёқи баланд эканлиги кузатилди²³.

2000-2008 йилларда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига кредит бериш тизими яхшиланди²⁴, 2006-2010 йилларда ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан мунтазам модернизация қилиб боришни жадаллаштириш учун корхоналарнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан йўналтираётган сармояларини уч йилга даромад (фойда) солиғидан, ўрнатилган ва ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган янги ускуналарни эса мулк солиғидан озод қилинди²⁵.

2008 йил Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини камайтиришга қаратилган “Инқирозга қарши чоралар дастури”да кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди, тадбиркор хотин-қизлар учун ажратилган кредитлар ҳажми ошиб, Республика Марказий банки хотин-қизлар тадбиркорлиги учун 148 млрд. 700 млн. сўм кредит ажратган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 250 млрд. 595 млн. сўмни ташкил қилди²⁶.

2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”да қабул қилинган давлат Дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони²⁷, 2014 йил 3 июлдаги “Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2015 йил 28 апрелдаги “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар

²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони //Халқ сўзи, 1998 йил 10 апрель.

²³ ЎзР ПАА, 975-жамғарма, 26-рўйхат, 07-йиғма жилд, 54-варақ.

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 2000 йил 25 майдаги 69-П-сонли Қонуни (Электрон ресурс). Кириш режими:<http://www.lex.uz/rudocs/>(мурожаат қилинган сана 17.04.2017).

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2006-2008 йилларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида”ги ПҚ-407-сон қарори(Электрон ресурс). Кириш режими:<http://www.lex.uz/rudocs/>(мурожаат қилинган сана 17.04.2017).

²⁶ Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг жорий архив маълумотлари. 2017 йил, 17-жилд, 30-варақ.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармони (Электрон ресурс). Кириш режими:<http://www.lex.uz/rudocs/>(мурожаат қилинган сана 17.04.2017).

томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ²⁸ иқтисодиётда давлат улушининг қисқариши ва хусусий мулкнинг ортиши, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига хизмат қилди.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб номланган 2017 йилда жамоатчилик назорати гуруҳлари тузилиб, хотин-қизлар ҳаётидаги ва тадбиркорлик фаолиятидаги муаммолар ўрганилди. Йил давомида жами 5 миллиондан ортиқ хонадонга кириб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш чоралари кўрилди. Жумладан, 22 мингта оилада ажралишнинг олди олинди, 36 минг фуқаро ишга жойлаштирилди, 14,5 минг юртдошимизга имтиёзли кредит олишда кўмаклашилди²⁹.

Ўзбекистон Республикаси асосий иқтисодиёт тармоқларида банд аҳоли сонидан аёллар улуши (йилига ўртача минг киши)

	1998		2000		2005		2010		2015		2017	
	Аёл	Эркак	Аёл	Эркак	Аёл	Эркак	Аёл	Эркак	Аёл	Эркак	Аёл	Эркак
Жами иқтис. бандлар	3879,0	4921,0	3955,1	5027,9	4871,5	5324,8	5295,1	6333,3	5964,3	7094,0	6189,2	7331,1
Шу жумладан:												
Саноатда	482,9	631,1	498,4	646,6	579,4	768,1	618,7	920,9	641,7	1026,5	807,3	1019,5
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	1444,1	2022,9	1314,5	1778,5	1560,0	1407,4	1510,9	1616,6	1644,5	1966,4	1627,9	2043,4
Қурилиш	74,5	498,5	92,6	583,4	118,8	729,7	111,1	954,0	99,7	1148,8	750,0	1215,0
Транс. ва алоқа	65,8	296,2	69,2	312,8	88,3	399,8	88,5	515,3	80,1	630,5	84,2	607,7
Савдо, умумий овқат. ва тайёрлов	306,0	411,0	322,4	431,6	494,4	409,5	668,8	574,4	795,4	685,6	802,4	702,3
Уй-жой ком. хўж., маиший хизмат	84,9	150,1	90,4	160,6	119,6	196,8	151,5	249,0	176,9	304,6	186,2	350,0
Соғ. сақлаш, жис. тарб., ижт. таъмин.	33,0	119,0	443,7	143,3	576,6	158,9	675,2	218,9	754,9	170,7	785,3	186,3
Таълим, маданият, санъат, фан, илм.	786,0	287,0	831,1	314,9	959,9	425,2	1090,9	519,0	1186,1	459,7	1301,7	602,1
Молия, кредит ва суғурта иловалари	22,5	27,5	24,7	27,4	25,2	29,0	28,9	37,4	26,7	38,5	30,8	41,8
Бошқа тармоқлар	229,3	477,7	268,1	628,8	349,3	800,4	350,6	727,8	558,3	662,7	593,2	690,2

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ижтимоий йўналтирилган бозор ислохотлари самарадорлигини оширишда хотин-қизларнинг роли ва ўрни тобора ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда аёлларнинг сиёсат ва иқтисодиётга кенг жалб қилиниши туфайли жамиятда аёлларнинг мавқеи мустаҳамланиб бормоқда, авваллари аёллар фақат уй-ишлари, бола тарбияси билан шуғулланиши керак, деган фикр мавжуд бўлса, эндиликда жамиятни

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони //Халқ сўзи, 2016 йил 6 октябрь.

²⁹ Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг жорий архив маълумотлари. 2017 йил, 17-жилд, 36-варақ.

аёлларнинг фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Дарҳақиқат, республика хотин-қизларининг қарийб 70 фоизи ижтимоий фойдали меҳнат билан банд эканлиги бунинг ёрқин далилидир.

Диссертациянинг **“Республика хотин-қизларининг ижтимоий-иқтисодий фаоллашувида аёллар ташкилотларининг роли”** деб номланган иккинчи бобида тадбиркор хотин-қизларга молиявий кўмак бериш ва хорижий инвестицияларни жалб этишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни, оилавий тадбиркорлик фаолиятининг янги босқичга кўтарилиши ҳамда кичик бизнесни ривожлантиришда микрокредитлаштириш тизимининг аҳамияти тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятларини оширишга қаратилган давлат сиёсати нафақат аёлларнинг жамиятда фаол ижтимоий кучга айланишида, балки мамлакат тараққиётида ҳам прогрессив аҳамиятга эга бўлганлигини эътироф этиш жоиз. Бу борадаги истиқболли давлат дастурларини амалга оширишдаги вазифаларни бажаришда давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти ҳам муҳим роль ўйнади.

Бугунги кунга қадар республикада аёлларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий фаоллигини шакллантиришга кўмаклашаётган аёллар ташкилотларининг муайян тизими яратилди. Ўзбекистонда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари бўлиб, улардан 376 таси аёллар муаммолари билан шуғулланади³⁰. Мазкур хотин-қизлар ташкилотлари аёллар манфаатларининг амалдаги ҳақиқий кўмакчиси ва ҳимоячисига, барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг узвий бир қисмига айланди. Ушбу тизимнинг асосини Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги иштироки, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида муҳим босқич бўлди. Йилларга алоҳида номлар берилиши, жумладан, “Оила йили” (1998), “Аёллар йили” (1999), “Соғлом авлод йили” (2000), “Оналар ва болалар йили” (2001), “Сиҳат-саломатлик йили” (2005), “Баркамол авлод йили” (2010), “Мустаҳкам оила йили” (2012), “Соғлом бола йили” (2014), “Соғлом она ва бола йили” (2016) деб эътироф этилиши ва мазкур йилларда қабул қилинган давлат дастурларига асосан аёллар соғлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг оиладаги муаммоларини бартараф этиш, улар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор тадбирлар ўзининг ижобий самарасини берди.

2014 йил 6 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қизларни соғлом тарбиялашга, уларга чуқур билим бериш, тадбиркорлик

³⁰ Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлис Сенатининг 20-ялпи мажлисидаги нутқи (Электрон ресурс). Кириш режими: <http://www.kun.uz/> (мурожаат қилинган сана 30.07.2019).

салоҳиятини юзага чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатлар кўламининг кенгайишига сабаб бўлди.

Жамиятнинг муҳим бўғини ҳисобланган оила институти билан боғлиқ йиғилиб қолган жиддий муаммоларни бартараф этишга ҳам аҳамият қаратилди. Таҳлилларга кўра, 2012-2016 йиллар, яъни беш йил мобайнида республика шаҳар ва қишлоқларида жами тузилган никоҳлар 299 мингтадан 275 мингтага камайган, жами ажралишлар сони эса 17,9 мингтадан 29,3 мингтага кўпайган³¹.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишда “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, “Олима аёл”, “Шарқ аёли”, “Аёл ва жамият” институти, Ўзбекистон ҳуқуқшунос аёлларининг жамоат бирлашмаси каби ташкилот ва халқаро жамғармалар, Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси қошидаги “Ижодкор аёллар” жамоат бирлашмаси, “Фахрий аёллар” уюшмаси ҳамда мавжуд партияларнинг “Аёллар қаноти” самарали иш олиб бормоқда.

О’зЛиДеР “Аёллар қаноти” хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини янада ошириш, уларни кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб этиш, хотин-қизлар ўртасида фермерлик ҳаракатини кўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган фаолият олиб боради.

“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциациясининг асосий мақсади – шаклланаётган меҳнат бозорида аёлларнинг фаол ижтимоийлашуви учун қулай шароитлар яратиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини кўллаб-қувватлаш, молиявий ресурслардан фойдаланишини таъминлашга кўмаклашиш, Марказий Осиё ва МДХ давлатлари аёлларининг бизнес ва маданий алоқаларини интеграциялашувига кўмаклашишдан иборат.

“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ташкил этилганидан буён юз минг нафардан зиёд хотин-қизлар орасида таълим дастурларини ўтказди. Қирқ минг нафар аёл касбий кўникмаларга ўқитилди, уларнинг 80 фоизи ишга жойлаштирилди, шу жумладан, касаначилик меҳнатига жалб этилди³².

Республика ҳукуматининг тадбиркорларни молиявий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш борасидаги тизимли ислоҳотларида соҳага ажратилаётган имтиёзли кредитлар сифатидаги микрокредитлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Микрокредитлар (инглизча microcredit- кичик кредит) аҳолининг камбағал қатламига, кичик тадбиркорлик билан шуғулланувчиларнинг молиявий аҳолини яхшилашлари учун мўлжалланган бўлиб, кўпгина давлатларда аҳолининг ночор тоифаларига берилади. Ўзбекистонда эса, микрокредитлар улардан фаркли ўлароқ, кенг аҳолининг тадбиркорлик

³¹ Аёллар ва эркаклар. Статистик тўплам. – Тошкент, 2016. – Б.65; 2017. – Б.67.

³² “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ҳақида маълумот. (Электрон ресурс) Кириш режими:<http://www.gazeta.norma.uz/>(мурожаат қилинган сана 2.03.2017).

салоҳиятини юзага чиқариш мақсадида, бозор муносабатларига ўтишнинг кўп босқичли эканлиги, бозор билан бирга вужудга келаётган янги шарт-шароитларни ҳисобга олиб, аҳоли қатламининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисм вакилларига, хусусан хотин-қизларга ҳам ажратилади. Микрокредитлаш тизими бугунги кунда жаҳоннинг кўпгина давлатларида, жумладан, АҚШда ҳам қўлланилади³³.

Мустақиллик йилларида тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1993-1997 йиллардан бошлаб кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма (Бизнес-Фонд) томонидан микрокредитлар берилди. Республикада жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, 2000 йилда кичик ва ўрта бизнес субъектларига микрокредит ажратиш механизми ишлаб чиқилди, 2006 йилда эса, “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки ташкил этилди³⁴. Давлат раҳбарининг тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш тизимини ривожлантиришга қаратилган қатор қарор ва фармонлари³⁵ га асосан кичик бизнес, тадбиркорлик, ҳамда фермерликни ривожлантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларида аҳоли кенг қатламларига микромолиявий маблағлар беришни янада ривожлантириш борасида кўпгина тизимли ишлар амалга оширилди.

